Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг рўзномаси

1991 йил 30 апрель
СЕШАНБА
№ 83 (5.125).
БАҲОСИ 8 тийин

1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган ♦ Ҳафтада беш марта чоп этилади

ПАРТИЯ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИДА КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БОШ КОТИБИ М. С. ГОРБАЧЕВНИНГ ЯКУНЛОВЧИ НУТҚИ

Ўртоқлар! Пленумдаги мунозара ўткир бўлди. Жуда муҳим тусдаги кўпгина жиддий мулоҳазалар айтилди, бу мулоҳазалар зўр эътиборга сазовордир. Агар масалалар қаттиқ қилиб қўйилгани ҳақида гапирадиган бўлсам, мамлакат бошдан кечираётган танглик шароитида бундан бошқача бўлишини кутиб ҳам бўлмас эди. Бу мутлақо равшан. Бироқ бу нарса партияни сафарбар этмайдиган, балки ишончсизлик, саросималик туғдирадиган бир қанча хулосаларни оқламайди. Баъзи фикр-мулоҳазалар партиявий ўртоқликдан йироқ эди. Улар умумий ишимизга, амалий ижобий вазиятни сақлаб қолишга ёрдам бермайди, ҳолбуки ҳозир кўпгина мулоҳазаларга кўра шундай вазиятни сақлаб қолиш муҳимдир. Аввало шунинг учунки, биз мамлакатимиздаги янгиланиш жараёнини ривожлантиришнинг бениҳоя масъулиятли босқичида турибмиз. Эҳтимолки, биз энг ноэзик палладан ўтаётгандирмиз. Фақат масъулиятсиз кишиларгина шу вақтда партияни синовга дучор қилиши, гуруҳбозлик, хусусий манфаатларни, ўз иштиёқларини илгари суриши, таъбир жоиз бўлса, ўзларининг чекланган назаридаги муаммолари принципиал юксакликка кўтаришлари ва шу тариқа бутун ишимизни заифлаштириб, унга зарба урришлари мумкин.

Башарти биз мана шу энг мураккаб босқичда партия сафларига ўзимиз путур етказиш билан шуғулланадиган бўлсак, бу нарса Коммунистик партия ўз кучи ва таъсирини, ўз мавқеини йўқотиб, жамиятда рўй берадиган ғоят катта ҳаракатнинг, бениҳоя катта ўзгаришларнинг чеккасига суриб қолишини хоҳлайдиган барча кишиларга жуда катта совға бўлур эди, деб илгари ҳам биринчилардан бўлиб огоҳлантирган эдим. Бизни шунчаки бир-биримиз билан тўқнаштириб қўйишни истамоқдалар, сиз билан биз ҳам баъзан шу истакни бажо келтираяпмиз. Шу сабабли, келинглар, ушбу пленумда назария ва сиёсат масалаларига онд принципиал мулоқотга кейинчалик яна қайтамиз, деган шарт билан бу мунозарани тўхтатайлик. Ўйлайманки, кейинчалик албатта бундай мулоқот бўлади.

Деярли барча нотиқлар партиядаги аҳвол учун асосли равишда ташвишланиб гапирдилар. Буни ҳам англаб турибман. Ижтимоий турмушнинг янги шаклларига ўтиш қийинчиликлари партияга оғир таъсир қилмоқда, янги йўл очиш осон эмас. Бунинг учун аввало жуда катта ақлий меҳнат, бутун ўтмишни, қолаверса, бутун ҳозирги фаолиятимизни ҳам қайтадан идрок этиб чиқиш керак бўлади. Бизнинг келажак режаларимиз ҳатто энг яхши институтларда ҳам мавҳум тарзда ишлаб чиқилган моделлар ва схемаларга эмас, балки воқеликка таянган бўлиши керак. Ҳозир дунёнинг бирон жойида бизнинг жамиятимизчалик мураккаб жамият бўлмаса керак. Бинобарин, жамиятимиздаги барча чигалликларни сергаклик билан чамалаб кўрганда, асосий йўл-йўриқларни эсдан чиқармаслик, ўзимиз танлаб олган социалистик йўлга содиқ бўлиб қолиш ва қийинчиликлар, хатолар билан бўлса ҳам, турмушнинг ҳамма соҳаларини бутунлай ўзгартириш йўлидан олға силжийвериш лозим. Ҳар бир киши ва, албатта, партия бундай ўтиш даврида қийинчиликларга дуч келади. Чунки партия — жамиятнинг бир қисмидир. Унинг сафларида воқеликни идрок қилишдан иборат мураккаб жараёнлар кечмоқда, одамларнинг онгида иқилоб рўй бермоқда.

Назаримда, бу — узоқ давом этадиган жараён. Партия жамият билан бирга ўзи ҳам ўзгариши керак. Акс ҳолда у жамиятга тўғри йўл-йўриқларни, тўғри йўллар ва мақсадларни, шу мақсадларга эришиш воситаларини таклиф қила олмаган сиёсий куч бўлиш ролини бажара олмайди.

Партия неча ўн йиллардан бери давом этиб келган ҳокимиятга ҳукмронликдан онгли равишда воз кечди. Кўп кишилар бундан жуда қийналаётганликларини, ҳамма ҳам буни осонликча идрок эта олмаётганини кўриб турибман. Бир неча йил муқаддам шу залда ўтказилган пленумда сўзлаган нутқимда: «Ўртоқлар, биз ҳаммамиз ва партиямиз кучайиб бораётган демократия шароитида ишлашни ўрганишимиз керак», деган эдим. Мана энди, очиғини айтсам, ҳозир энг мураккаб босқич бошланди. Ҳозир мамлакатда фикрлар хилма-хиллигигина эмас, сиёсий хилма-хиллик ҳам бошланди. Гарчи демократик жараён доиралари мустаҳкам қарор топмаган бўлса ҳам, эндиликда демократия тобора кенгайиб бормоқда. Жамият бошқачасига яшамоқда. Кўпгина янги кучлар сиёсат саҳнасига чиқди. Буларнинг ҳаммаси сиёсий иқлимни мутлақо ўзгартириб юборди. Шу сабабли биз буни англаб етишимиз ва жамитимиз тараққиётининг мана шу янги босқичига мос келадиган ўз мавқеимизни белгилаб олишимиз керак. Такрор айтаман — бу иш қийинчилик билан кўчмоқда. Биз, партия ходимлари эски усуллардан ҳеч воз кеча олмаяпмиз.

Ўзларини демократлар деб атаётган турли кучлар орасида Ватан ҳақида, умумий диёримиз тўғрисида ўйлаётганлар анчагина эканини кўп кишилар кўришни хоҳ-

(Давоми 2-бетда).

ИНСОН ТЎҒРИСИДА ҒАМХЎРЛИК ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасининг мажлисида жуда муҳим ижтимоий-иқтисодий масалаларнинг кенг доираси муҳокама қилинди. Мажлисда вазирликлар, идоралар, концернларнинг раҳбарлари, Қорақалпоғистон АССР Вазирлар Кенгашининг раиси, вилоят ижроия комитетларининг раислари, йирик саноат корхоналарининг раҳбарлари қатнашдилар. Мажлисни Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов олиб борди ва йиғилганлар ҳузурида сўзга чиқди.

Тўққиз иттифоқдош жумҳурият раҳбарларининг СССР Президенти М. С. Горбачев билан бўлиб ўтган учрашуви, КПСС Марказий Комитетининг пленуми энди мамлакатда орқага қайтиш мумкин эмаслигини яна бир бор тасдиқлагани таъкидланди. Мустақиллик тўғрисида жумҳуриятлар қабул қилган декларациялар, уларнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги ҳуқуқларини кенгайтириш марказ билан сифат жиҳатидан янгича муносабатларга ўтишда яхши истиқбол очади. Лекин ҳозирги пайтда бутун халқ хўжалигини қамраб олган таназзул шошилинч тадбирлар кўрилишини тақозо этмоқда. Шу сабабли тўққиз иттифоқдош жумҳурият раҳбарлари биргаликда қабул қилган қўшма ҳужжат аҳволни барқарорлаштириш борасидаги муайян имконият ҳисобланади. Ҳар бир жумҳурият манфаатларини ҳисобга олиб, Иттифоқ шартномасининг имзоланиши, ижроия ҳокимиятнинг мустаҳкамланиши кескин вазиятни тугатиши, мухолифликка бар-ҳам бериши мумкин ва лозим.

Ўзбекистон ССР Президенти иттифоқдош жумҳуриятларнинг раҳбарлари имзолаган ҳужжат унинг барча бандларига аниқ риоя этилишини, талаб қилишини алоҳида таъкидлади. Акс ҳолда, салбий аҳволни беқарорлаштирувчи ҳолатлар бундан кейин ҳам ривожланаверади.

Шу муносабат билан Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтиш борасидаги ўйлаб, аниқ ишлаб чиқилган дастури алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бундай дастур бор ва у ҳозирдаёқ амалга оширила бошланди. Инсон, жумҳурият аҳолиси барча табақаларини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш дастурда кўзда тутилган асосий мақсаддир. Дастурнинг биринчи галдаги вазифалари орасида қўшимча 108 минг гектар ҳайдаладиган ерни шахсий фойдаланишга топшириш масаласи бор.

Вазирлар маҳкамасининг мажлисида ушбу масалага жуда катта эътибор берилди. Масалан, биринчи кварталнинг ўзидаёқ жумҳурият аҳолисига 22,3 минг гектар ер ажратилди, 71 минг бош бузоқ ва қўзи, эчки болалари, уларни боқиш учун 200 минг тоннага яқин турли ем сотилди. Бир қанча вилоятларда, айниқса Самарқанд ва Наманган вилоятларида ҳосилдор ерларни шахсий фойдаланишга топшириш муваффақиятли бормоқда. Айни вақтда Бухоро, Сурхондарё, Қашқадарё, Фарғона вилоятларида ва Қорақалпоғистонда бу ниҳоятда муҳим ижтимоий тадбир ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Мажлисда вилоят ижроия комитетлари барча раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди. Уларнинг бир қанчаси қаттиқ танқид қилинди. Мажлисда қуйидаги масала қатъий тарзда қўйилди: одамлар ғамини ея олмайдиган, уларнинг муаммолари билан яшай олмайдиган, рўй берётган жараёнларнинг муҳимлигини тушунмайдиган раҳбарлар буни виждонан ҳис қилиб, очиқ-ойдин айтишлари, эгаллаб турган лавозимларидан кетишлари керак.

Шу боисдан Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасининг мажлисида деҳқончилик-саноат мажмуи мутахассислари бошчилигида ишчи комиссияларини вилоятларга юбориш тўғрисида қарор қабул қилинди. 10 майга қадар барча вилоятларда ана шу ишларни тугаллаш вазифаси қўйилди.

Чигит экилган майдонлар миқдорини қатъий текшириш зарурлиги лозим, деб топилди. Пахта экилган майдонлар хусусидаги ҳар қандай ҳолатга принципиал баҳо бериш керак. Бозорга ўтилаётган даврда бундай ишга йўл қўйиб бўлмайди. Ўзбекистон ССР прокуратурасига ҳайдаладиган ерларни ажратиш тўғрисидаги жумҳурият Президенти фармони қандай бажарилаётгани устидан доимий назорат ўрнатиш, қонунни бузаётган кишиларни қаттиқ жавобгарликка тортиш таклиф этилди.

Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасининг мажлисида жумҳурият халқ хўжалиги тармоқларининг иш якунлари, биринчи кварталда давлат бюджетининг ижроси ва халқ хўжалигини барқарорлаштиришнинг асосий йўналишлари ва бозор иқтисодиётига ўтиш қондалари қандай амалга оширилаётгани батафсил кўриб чиқилди.

Фавқулодда тадбирларни кўриш хўжалик алоқалари бузилиши ва нарх белгилаш ислоҳоти ўтказилаётгани сабабли ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари пасайишини тўхтатиб қолишга имкон бергани таъкидланди. Ҳисобот даврида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, чакана товар оборота ва аҳолига пулли хизмат кўрсатиш ҳажмлари ўтган йилга нисбатан ортди. Аҳолининг моддий аҳволини яхшилаш, пенсионерлар, уруш ва меҳнат фахрийлари, хотин-қизлар ва кўп болали оилаларни, ўқувчиларни аниқ-равшан қуллаб-қувватлаш борасида собитқадам ишлар олиб борилди. Ҳукумат қарори билан озиқ-овқат маҳсулотлари, болалар товарлари, бир қанча маҳаллий бинокорлик материаллари кўпгина турларини сотишдан олинадиган 5 фоизли солиқ бекор қилинди, мактаб формаси, болалар пойабзали, хонатласнинг чакана нархлари пасайтирилди, ёшларга мебель ва гилам буюмлари сотишнинг имтиёзли тартиби жорий этилди.

Шундай бўлса ҳам, халқ хўжалигидаги ишларнинг аҳволи мураккаблигича қолмоқда. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми камайиб кетди. 120 тадан кўпроқ корхона маҳсулот етказиб бериш юзасидан шартнома мажбуриятларини бажармади, зарар кўриб ишлайдиган ва паст рентабелли корхоналар сони камаймаяпти. Инвестиция соҳасидаги аҳвол ёмонлашди. Марказлашган маблағлар ҳисобидан асосий фондларни ишга туширишга 11 фоиз қисқарди.

Халқ истеъмоли моллари, шу жумладан озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ўсганига қарамай, ўсиш суръатлари режалаштирилганидан паст бўлди. Гўшт, колбаса маҳсулотлари ишлаб чиқариш камайди, балиқ овлаш қисқарди, аҳолини консерва билан таъминлаш борасидаги ишлар барбод қилинмоқда. Таъминот-маҳсулот сотиш идоралари жиддий хатоларга йўл қўйдилар, улар халқ хўжалиги мажмуини моддий-техника ресурслари билан таъминлаш юзасидан қатъий чора-тадбирлар кўришмаяпти. Жойлардаги раҳбарларнинг кўпчилиги суст фаолият кўрсатмоқда, ниманидир кутиш билан кун ўтказмоқда, бозор шароитида ишлашга мутахассисларни тайёрлашга етарли эътибор бермаяптилар. Жойларда иқтисодиётни соғломлаштиришга доир тадбирлар кўриш ўрнига, жумҳурият бюджетидан ёрдам олишга умид боғлаб, тайёрга айёрлик кайфиятини намоён этмоқдалар.

Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси шуларга асосланиб қарор қабул қилди. Қарорда ишлаб чиқаришда йўл қўйилган қолоқликнинг ўрнини иложи борича тўлдириш, корхоналарнинг молиявий-иқтисодий фаолияти даражасини ошириш, интизом, тартибни мустаҳкамлаш юзасидан шошилинч тадбирлар кўрилиши назарда тутилган. Аввал бўлганидек, жумҳурият ҳукуматининг сиёсати аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга, чакана нархлар кўтарилиши муносабати билан компенсациялар ва нафақалар тўлашга йўналтирилади.

Ихтисослашган банклар ва молия идоралари билан биргаликда режага кўра зарар кўриб ишлаётган ва паст рентабелли корхоналар, хўжаликлар ҳамда ташкилотларнинг фаолиятини таҳлил қилиш борасидаги ишларни ниҳоятда қисқа муддат ичида тугаллаш режалаштирилган. Қарорда ҳар бир тармоқда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш, шунингдек маиший хизмат, савдо, маҳаллий уй-жой хўжалиги ниншоотларини хусусийлаштиришга доир тадбирларни амалга ошириш назарда тутилган.

Вазирлар маҳкамасининг қарорида ҳар бир мажму юзасидан аниқ-равшан тадбирлар ва уларни бажариш муддатлари белгилаб берилган.

Вазирлар маҳкамасининг мажлисида резина пойабзал ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва Ўзбекистон ССР аҳолисининг унга бўлган эҳтиёжини қондиришга доир тадбирлар тўғрисидаги масала ҳам муҳокама қилинди.

Шарқ услубидаги калишлар ташиб келтириш камайиб кетганлиги, «Ўзбекрезинотехника» ишлаб чиқариш бирлашмасидаги қувватларнинг пастлиги истеъмол бозорида ана шу маҳсулотнинг тақчиллигини янада кучайтириб юборгани уқтирилди. Шу сабабли ҳукумат жумҳурият корхоналарида резина пойабзал ишлаб чиқаришни кенгайтириш, уни ишлаб чиқаришни йилига 7 миллион жуфтга кўпайтириш тўғрисида қарор қабул қилди. Шу мақсадда хорижий мамлакатлардан юқори унумли ускуналарни харид қилиш, «Ўзбекрезинотехника» бирлашмасидаги қувватларни кенгайтириш режалаштирилди.

Вазирлар маҳкамасининг мажлисида бошқа муҳим ижтимоий-иқтисодий масалалар ҳам кўриб чиқилди.

(ЎзТАГ).

Хўжалик раҳбари минбари

ДЕҲҚОН—БАҒРИ КОН

Мамлакат иқтисодий танг аҳволни бошидан кечираётган ҳозирги шароитда ҳар бир киши ўз вазифасига виждонан ёндашиб ҳалол меҳнат қилсагина вазиятни бартараф этиши мумкин. Митингбозлик, ортиқча ҳайқириқлардан ҳали ҳеч бир ҳалол кимсанинг чўнтаги пул кўрмаган. Чинакам меҳнат эл дастурхонини безайди, пештахталарни тўкин-сочин қилади. Давлат хўжалигимиз меҳнаткашлари буни яхши англаб етган ҳолда маъмурчилик учун бетиним ишлашяпти. Партия-ҳукуматимизнинг иқтисодиётни соғломлаштиришга қаратилган умидбахш тадбирлари уларда эртаги кунга ишонч уйғотмоқда.

Совхозимиз вилоятнинг кўп тармоқли йирик хўжаликларидан ҳисобланади. Кейинги йилларда қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларини бирдек ривожлантиришга эътиборни кучайтирдик. Қўлга киритилаётган натижалар дуруст. Пахтачилик ҳамда чорвачиликдан кўрилаётган даромад ҳажми кескин ошди.

Ҳудудимизда 1.232 гектар экин майдони бўлиб, унинг 340 гектарида пахта экилади. Меҳнатни ташкил этишнинг янги шакллари — ижара ва оила пудрати амалиётга кенг жорий этилгач, деҳқонларда ерга эгалик ҳисси кучайди. Энди деҳқоннинг ўзи фойдага ҳам, зиёнга ҳам шерик. Шу боис у сарф-харажатни камайтириб, имкони борича даромадни кўпайтиришга интилади. Ўтган йили пахта майдонларининг ҳар гектаридан 36 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди. Бу илгариги йилларга қараганда 4—5 центнерга кўпдир. Бироқ ҳосилни топширишда кўп қийинчиликларга дуч келдик. Маҳсулотнинг асосий қисми иккинчи сортга қабул қилинди. Биринчи сортда топширганимизда даромад янада кўпайган бўларди.

Амалдаги йилда алмашлаб экишни тўғри ташкил этиш ҳамда тупроқ шароитини яхшилашга алоҳида аҳамият берилди. Эрта баҳорданоқ етилган майдонларга агрегатлар олиб кирилди. Қисқа муддатда мавжуд 340 гектар майдонга «Бухоро-6» навли пахта чигити қадалди. Айни дамда ер бетини яшил майсалар қоплаган пайкалларда дастлабки ишлов ўтказилаяпти. Раҳима Эргашева, Холбой Сафаров, Ислом Бахтиёров бошлиқ бригадаларнинг деҳқонлари бу борада пешқадамлик қилишяпти.

Етакчи соҳалардан бири — чорвачиликдаги ютуқлар ҳам чакки эмас. Кейинги йилларда тармоқни ривожлантириш диққат-эътиборимизда. Пода ва отарлар сафи сифат ва сон жиҳатидан яхшиланди. Ҳозирда 2.600 бош қорамол, 800 бош қўй, 65 туя ва 400 та парранда боқиляпти. Давлатга сут, гўшт, тухум, жун сотиш режалари узлуксиз уддалаб келинаётир. Чорвачиликдан олинаётган даромад миқдори йилдан-йилга кўпаймоқда. Аниқса, хўжалик сут-товар фермаларида дуруст натижалар қўлга киритиляпти. Ўтган йили ҳар бош соғин сигирдан 3150 килограммдан серқаймоқ сут соғиб олинди. Сермаҳсул моллардан кўплаб бузоқ олишга эришилди.

Жамоат чорвачилигини ривожлантиришнинг муҳим шартларидан бири — мўл-кўл озуқа базасини яратишдан иборат. Ўтган йили режада кўзда тутилганидан зиёд ем-хашак жамғарилганлиги туфайли чорва моллари қишловдан талафотсиз олиб чиқилди. Ўртача семизлиги ҳамда маҳсулдорлиги камайгани йўқ. Совхоз озуқакорлари бу борада чорвадорларга мададкор бўлишяпти. Шу кеча-кундузда 345 гектарда беда, 150 гектарда рож, 100 гектарда арпа-буғдой, 80 гектарда силос учун ҳамда 150 гектарда дон учун маккажўхори парвариш қилинаяпти. Эрта баҳорда майдонларга жойлаштирилган озуқа экинлари ҳам қуёшдан баҳра ола бошлади. Исоқул Мизбахтов, Эргаш Камолов, Ҳалим Рамазонов каби тажрибали механизаторлар қатор ораларига дастлабки ишлов беришни беками-кўст бажармоқдалар.

Ҳозир далаларда деҳқонларимиз қишлоқ хўжалигининг барча турлари бўйича мўл-кўл маҳсулот етиштириш иштиёқида астойдил тер тўкишаяпти. Бироқ уларнинг турмуш шароити талаб даражасида эмас. Деҳқон эртадан кечга қадар дала ва фермаларда тиним билмаса-да, қўлига арзимаган иш ҳақи тегади. Хонадонида 4—5 нафар фарзанди бўлган деҳқон 100—120 сўм билан рўзгор тебратишга мажбур. Бозорда мол гўшти фалон пул. Бўзчи белбоққа ёлчимас деганларидек, миллион тонналаб пахта етиштирган кишилар чит-сатину совунга зор. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг харид нархи кескин ошмас экан, шу зайлда деҳқоннинг қорни тўқ, усти бут бўлиши қийин.

Жумҳурият Президентининг қишлоқ аҳолиси манфаатларини кўзлаб чиқарраётган фармонлари хўжалигимиз меҳнаткашларини бениҳоя қувонтирмоқда. Мазкур фармонларнинг ижроси назорат қилиб борилаяпти. Қишлоқ аҳолисига томорқа ва уй-жой қуриш учун ер ажратилмоқда. Меҳнаткашларнинг шахсий хўжалигидаги чорва моллари ем-хашак ва ширали озуқа билан таъминланмоқда. Бироқ биргина булар билан чекланиб қолиш тўғри эмас. Ҳар бир хўжалик ички имконияти ҳисобидан меҳнаткашлар турмуш шароитини яхшилаш чораларини кўрса, нур устига нур бўларди. Совхозимизда олинган даромаднинг асосий қисми аҳолининг ижтимоий муаммоларини ҳал этишга сарфланаяпти. Меҳнаткашларнинг 1—5-синфларда ўқиётган фарзандларини бепул нонушта билан таъминлашни яхшилаш мақсадида ҳар бир ўқувчи ҳисобига кунига давлат маблағига қўшимча равишда пул ажратилди. Кўп болали ва ночор оилаларга моддий ёрдам уюштирилаяпти. Бундай ғамхўрликлар деҳқонларни янада баракалироқ ишлашларига хизмат этмоқда.

А. ҲАКИМОВ,
Пешку районидаги «Пешку» совхозининг директори.

Калинин районидаги «Қорасув» давлат хўжалиги сабзавоткорлари тўкинчилик йўлида меҳнат қилишаётир. Хўжаликнинг Ўзбекистон ССЖ халқ депутати Шавкат Нуриддинов бошлиқ бригадаси деҳқонлари шаҳарликлар дастурхонига турли ноз-неъматлар етказиб беришмоқда. Айни кунларда жамоа далаларида карам, сабзи, помидор, бодринг, пиёз ва бошқа экинларга ишлов бериш авжида.

СУРАТЛАРДА: 1. Саркор Ш. Нуриддинов (ўнгда) ва сувчи Ғ. Худойберганов. 2. Карам оби-ҳаётга қондирилмоқда.

Б. АЛИМОВ олган суратлар.

ДАЛАЛАРДАН ДАРАКЛАР

МЎЛ ҲОСИЛ ОМИЛИ

Бу йил Олтинкўл районидаги «Тошкент» жамоа хўжалигининг пахтакорлари шундай шиор остида меҳнат қилишмоқда. Улар ўтган йилга нисбатан 108 гектар кам майдонга, яъни 450 гектар ерга чигит экадиган бўлдилар. Асосий экиндан бўшатиб олинган ерлар томорқаларни кенгайтиришга берилди.

Лекин пахтакорлар, шунга қарамай, пахта ялпи ҳосили ўтган йилдагидан кам бўлмаслигига қаттиқ ишонишмоқда. Улар бу ишончни иш билан мустаҳкамламоқдалар.

Баҳор фаслида оби ҳавонинг ноқулай келишига қарамай, улар чигитни энг мақбул муддатда экиб бўлдилар. Синовдан яхши ўтган юқори ҳосилли «Қирғиз-3» нави уруғлиги экилди. Ўтган йили ана шу навдан 31,6 центнердан ҳосил олинганди. Бу йил пахтакорлар янада юқори маррани кўзламоқдалар: улар ҳар гектар ердан қариб 1 тонна кўп пахта йиғиштириб олишга қарор қилдилар.

ҲАММА УЧУН ФОЙДАЛИ

Самарқанд вилоятидаги Киров номли давлат хўжалиги меҳнаткашлари ижарада ишлаган дастлабки йил якунларини чиқардилар. Ижара барчага — давлатга ҳам, хўжаликка ҳам, ҳар бир ишчи ва мутахассиса ҳам нафли бўлиб чиқди.

Ижарачилар барча шартномавий мажбуриятларни ошириб бажардилар. Меҳнат унумдорлиги 2 баравардан кўпроқ ошди. Ҳар бир ходим ҳисобига олти минг сўмликдан кўпроқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилди. Ўртача маош эса қариб 60 сўм кўпайди ва 237 сўмга етди.

Партия Марказий Комитетининг пленумида КПСС Марказий Комитети Бош котиби М. С. ГОРБАЧЕВнинг якунловчи нутқи

(Боши 1-бетда).

ламаяптилар. Бир вақтлар ёки нечундир иши юришмаган ва шу сабабли жон-жаҳди билан ўч олишга интилаётган экстремистлар ҳам бор, албатта. Ҳа— мана шундай. Аммо мен ўз йўлини излаётган барча кишиларни, демократия учун курашаётган ҳамма кишиларни марза нариёғидаги мухолифлар қаторига қўшиб қўйишларига ҳеч қачон рози бўлмайман.

Кадрлар масаласини ҳал этиш хусусида баъзи ўртоқларда ўтмишни қўмсаш майллари намоён бўлди. Аммо энди бу масалаларнинг ҳаммаси фақат демократик жараён доирасида ҳал этилиши мумкин. Энди ҳатто давлат тузилмаларида ҳам ўзбошимчалик билан буйруқлар берилаётгани йўқ. Давлат идораларининг, мансабдор шахсларнинг фаолияти, фуқароларнинг феъл-атвори, уларнинг ҳуқуқлари ва вазифалари қонунда, ҳуқуқий негиз билан белгилаб қўйилади. Чунки жамиятдаги вазият мутлақо бошқача. Баъзи ўртоқлар эса бу ерда партияни «вазиятни қўлга олишга» чақирдилар. Сизга очиғини айтсам, бу — бизга керакли чақириқлар эмас.

Ижтимоий жараёнларнинг оғриқлилигини шу нарса ҳам кучайтиряптики, ўзаро рақобатлашаётган сиёсий ҳаракатларнинг қисувига бардош беришга тўғри келмоқда. Улар орасида очиқданочиқ ғайрикоммунистик йўналишдаги бузғунчи жангари кучлари ҳам борлиги аниқ. Мана шуларнинг ҳаммасини кўра билиш ва партиямизнинг сиёсий фаолиятида эътиборга олиш лозим.

Албатта, одамларни озиқ-овқат, халқ истеъмол моллари билан таъминлашга, пулнинг қадрсизланишига, хўжалик алоқаларининг узилишига, ишлаб чиқаришнинг инқирозига, ҳуқуқ-тартботнинг заифлашувига ва миллатлараро можароларга алоқадор бўлган жуда қаттиқ қийинчиликларни бартараф этиш ҳақида ғамхўрлик қилиш юки ҳам кўп жиҳатдан КПСС ва унинг ташкилотлари зиммасига тушади. Мана шу муаммоларнинг ҳаммасини ҳал қилиш, мамлакатни танглик ҳолатидан чиқариб олиш осон эмас. Ҳозир ҳеч қачон ва ҳеч ким ҳеч нарсага эришолмаяпти. Ҳеч ким ҳеч нарсага эришолмаяпти. Ҳеч ким ҳеч нарсага эришолмаяпти.

МЕҲР ҚЎЙГАН ОБРЎ ТОПАДИ

Ҳаётда шундай одамлар борки, улар учун элу юрт хизматини қилиш, зарур дамларда инсонлар мушкулини енгиллатиш — бу хислат эгаларига ҳар қандай унвону шуҳратдан азиздир. Шукрким авлоду аждодларимиздан қолган бу фазилат ҳануз кўнгилларни тарк этгани йўқ.

Қўқонда Шойимбек қишлоғи бор. Бу обод ва сўлим маскан Қўқон қишлоқ Совети маркази. Озода ва шинам, кўкаламзор кўчаларни, замонавий услубда қурилган уйларни кўриб дил завқланади.

Қишлоқ Совети раиси Йўлдошали Эргашевни райондагилар суюб «аллома» деб аташаркан.

— Ҳудудимиздаги 3.200 хўжаликда 15 мингдан зиёд оила истиқомат қилади, — деб сўз бошлади у. — Тўғриси, дастлаб иш бошлаш қийин кечди. Айниқса аҳолининг ерга бўлган эҳтиёжини қондириш учун бизда имконият йўқ эди. Шукрким қайта қуриш насимларидан деҳқон кўкси баҳра топди. Жумҳурият Президентининг фермонларини халқимиз хушнуд қаршилади. Айни пайтда қишлоқларимиздаги 1.137 оилага 135 гектар ер уй-жой учун, 836 хўжаликка 83 гектар майдон қўшимча томорқа учун берилди. Маданий ва маиший шароитни яхшилаш мақсадида ҳар бир қишлоқда спорт майдонлари, клуб ва чойхоналар учун ер ажратилди. Қишлоқ Советининг 50 депутати халқимиз турмушини яхшилаш, вақтинча фойдали меҳнат билан банд бўлмаганларни иш билан таъминлаш, ёшлар тарбиясига оид тадбирларни амалга оширмоқда. Ҳудудимизда майда ҳунармандчилик ва бошқа соҳаларни қамровчи корхоналарни кўпайтиришга эътибор кучайди. Яқинда очилган Курган вилояти тикувчилик фабрикаси бўлимида 150 хотин-қиз меҳнат қилаётир. Янги ташкил этилган ғишт заводи, маҳаллий консерва цехида ёшлар ишлашмоқда. 1990 йилда ишсизлар 80 нафар эди, ҳозир уларнинг барчаси юмуш билан банд.

Ҳамма иллатларнинг сабабчиси — бекорчиликдир, деб бежиз айтишмаган. Саъй-ҳаракатлар ўз самарасини кўрсатаётир. Жорий йилда бу ерда бирорта ҳам жиноят содир бўлмади.

Деҳқонларга уй-жой, томорқа берилиши озиқ-овқат танқислигига барҳам бермоқда. Шахсий хўжаликлар ерига экилаётган экинлар тури ва салмоғи ортаётир. Ўтган йили 282 хўжалик тайёрлов идоралари билан полиз, сабзавот, мева етиштириб топшириш учун шартнома тузганди. Натижада улар 136 тонна кўк, 26 тонна қизил помидор, 28 тонна саримсоқ пиёз сотишга эришдилар. Дон ва хашаки экинлар экилган 179 гектар майдондан ҳам кўзланган ҳосил олинди. Бугунги кунда иқтисодиётни яхшилаш аввало аҳолининг ўзига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Ўртақўрғон қишлоғидан Рўзмат Мубораков, Шоимбекдан Муҳаммад Мамадалиев, кармаклик Маъмур Назировлар томорқаларидан унумли фойдаланиб, 3—4 минг сўмгача даромад олишди. Лекин ажратилган ерни қаровсиз ташлаб қўйиш ҳоллари ҳам учради. Р. Ҳайдаров, О. Содиқова кабилар шулар жумласидан. Оқибатда қишлоқ Советининг қарори билан улар ердан маҳрум этилдилар.

Кам даромадли оилаларга совхоз чорваси ҳисобидан 93 бош қорамол, 188 бош қўй, 4.731 та парранда сотилди. Аҳолининг шахсий ҳайвонларини ем-хашак билан таъминлаш борасида талай ишлар қилинаётир. 34 тонна сомон, 14 тонна қуруқ беда, 240 тонна дағал хашак, 16 тонна силос, 14 тонна кўк беда арзон баҳода тарқатилди... Қўқон матлубот жамияти орқали жорий йилнинг март ойига қадар 96 тонна шелуха, 86 тонна қунжара, 280 тонна аралаш ем сотилди.

Ўзбекистон районидаги ушбу қишлоқ Совети ҳудудида шахсий томорқа эгаларининг иттифоқи мавжуд. Бу уюшмада тажрибали деҳқонлар, депутатлар ва маҳалла қўмитаси раислари бўлиб, улар шахсий томорқа эгаларига деҳқончиликнинг илғор тажрибаларини етказиш, яхши навли уруғлик билан таъминлаш, етиштирилган маҳсулотни сотишда кўмаклашишмоқда.

Нарх-навонинг ошиши, қурилиш маҳсулотларининг тақчиллигини бартараф этиш ҳануз муаммо бўлиб қолаётир. Ҳозиргача 2 та магазин орқали аҳолига 1055 куб метр ёғоч, 960 куб метр тахта, 180 тонна цемент, 3800 дона шифер тарқатилди. Лекин ички имкониятдан фойдаланмай туриб бу муаммони ҳал этиш қийин. Қадимдан бу ерда ҳар бир оила терак, тол экиб келган. Ота ўғил кўрса 21 туп терак экаркан. Фарзанд воята етиб уй-жойга муҳтож бўлганда у асқотаркан. Кейинги икки йил ичида йўл бўйларига, дала шийпон атрофларига терак экиш йўлга қўйилди.

Қишлоқ Советч I—II гуруҳ меҳнат ва уғуш ногиронлари, боқувчисини йўқотган оилалар ҳолидан доимо воқиф бўлиб турибди. Унутилиб бораётган удумлар қайтадан тикланаётир. Айниқса Наврўзи айём кунларида бу борада талай ишлар қилинди. Кармак қишлоғида яшовчи Музаффаров Улуғхўжа хонадонига бир гуруҳ фаоллар боришди. Маъмурият томонидан унга ажратилган 500 сўм пулни беришганда севинчдан кўзлари ёшланди. Инсон меҳри тошни эритади, деганлари шу-да!

С. ҲАЙДАРОВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.

ПИЛЛАКОРЛАР БАҲСИ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг 1991 йил 1 май чақириқларидан илҳомланган Самарқанд вилояти пилларкорлари янада яхши ишлаш пайида бўлишаяпти. Айниқса бу борада Нарпай ва Пайариқ районлари кумуш тола ижодкорлари ўрнак бўлишаётир. Улар байрамолди меҳнат вахтасида туриб тер тўкишмоқда. Ўзларига биркитилган ипак қуртини кўнгилдагидек парваришлашаяпти.

Нарпай районидаги Ленин номли, Ибн Сино номли, Бобур номли жамоа хўжаликларининг илғор пиллакорлари Ўғил Жумаева, Моҳия Қодирова, Ўғил Бобоевалар бир неча йилдан бери ўзаро баҳсда бир-бирларидан ортда қолишмаяпти. Бамаслаҳат ишлаш, билмаганларни сўраб ўрганиш фақат фойда бераётир. Улар 2—2,5 қути қурт уруғининг ҳар биридан 90—100 килограммдан пилла етиштиришга аҳду паймон қилишган. Режани муваффақиятли уддалаш учун барча шарт-шароитлар яратилди. Хоналар оқланиб, дезинфекция қилинди. Ўтин-кўмир, сўкчак ва бошқа анжомлар билан таъмин этилди. Пиллакорларга баргни вақтида етказиб бериш билан махсус бригада шуғулланаётир.

Б. МУРОДОВ.

СУРАТЛАРДА: 1. Мусобақадошлар У. Жумаева (чапдан), М. Қодирова, У. Бобоевалар. 2. Чорак асрдан бери шу соҳада ишлаб, ҳурмат топаётган Пайариқ районидаги «Ленинизм» жамоа хўжалигининг пиллачилик звеноси бошлиғи Ш. Эсонова. 3. Нарпай район Навоий номли жамоа хўжалиги кумуш тола ижодкори Г. Очилова.

Ғ. АЛИЕВ олган суратлар.

Журналнинг янги сони

«МУЛОҚОТ»

Ойноманинг тўртинчи сони «Муҳаррир минбари» рукни остидаги «Нимани эксак, шуни ўрамиз» сарлавҳали мақола билан очилади. Унда ҳар томонлама маърифатли ва маданнятли ёшларни тарбиялаш, уларга замонавий илм-фан асосида сабоқ беришдек муҳим масала кўтарилган. Фалсафа фанлари доктори, профессор Қўчқор Хоназаровнинг атрофлича мулоҳаза юритилган ва назарий хулосалар ўртага ташланган «Ғоявий исканжа: иллатлар ва сабоқлар» сарлавҳали мақоласи кўпчилик муштарийларнинг диққатини тортади.

«Ўзбекни ўзбек қилиб турганлар» рукни остида бу сафар Ўзбекистон ССР халқ шоири, жумҳурият Президенти Кенгаши аъзоси Шукрулло, таниқли олим, профессор А. Рустамов ва Тошкент шаҳридаги 254-ўрта мактаб директори И. Абдуллаев иштирокида ўтказилган давра суҳбати устоз ва шогирд масалаларига бағишланган. Давра суҳбатида мураббийчиликнинг миллий анъаналари, унинг жамиятдаги ўрни ва вазифалари хусусида қимматли фикрлар ўртага ташланган. Журналист Октябрь Жавлоновнинг «Мустақиллик ҳимояга муҳтожми?» сарлавҳали мақоласида ҳар бир иттифоқдош жумҳуриятнинг тўла иқтисодий мустақиллигига эришиш ва унинг аҳамияти хусусидаги мулоҳазалар муштарий билан баҳам кўрилади.

Таниқли олим ва адиб Сарвар Азимовнинг «Халққа айтинг, мен асло ўлганим йўқ» мақоласида Ҳамид Олимжоннинг кўпчиликка маълум бўлмаган фазилатлари, ижодий йўли хусусида фикр борса, навоийшунос Ботирхон Акрамнинг «Кўз лавҳида акс этган олам» номли мақоласида Навоий шеърларида кўз тасвири ва унинг оламга қарашлари хусусида мулоҳаза юритилади. Улуғ мутафаккирнинг ўзига хос дунёқараши ва тасвир усуллари таҳлил қилинади.

Ойномадан муштарийлардан келган кўплаб хатлар, таклиф ва мулоҳазалар ҳам ўрин олган.

ОДАМНИ АСРАНГ, АЗИЗЛАР!
1941 — 1991

БИР УМРНИНГ ҮЧ ЛАҲЗАСИ

Инсон боши — сойнинг тоши, дейдилар. Солиҳжон Умаровнинг умр дафтарини варақлаганимда бу қиёс бизнинг тўфонли замонамиз одамлари тавсифига ожизу номослиги яна бир бор аён бўлди. Бундай инсонлар тақдирига тушган тоғдек оғир ҳаёт юкига — улар бошларидан кечирган азобу уқубатларга, жабру жафоларга на тош, на пўлат бардош бера олур. Буларни енгмоққа мард инсонгина қодир. У тақдир зарбаларини кунпаякун қила олади.

Солиҳжон олти ёшида онасидан айрилиб қолди, ўн бирга кирганида эса отаси бу ғариб дунёдан кўз юмди. Бола ёшгина укаси ва гўдак синглиси билан етимлик турткиси, ғамғуссасига мубтало бўлди. Синглиси Мушарраф муштипар бувиси паноҳида қолди. Солиҳжон билан Анваржон ота-она меҳри-ардоғига зор бўлиб, болалар уйида кун кечиришди. Жўда тийрак ва сергак, ҳаётда кўп нарсани билишга интилувчи, илмга ташна йигитча билим юртини аъло баҳоларга битирди. Уни Паркент районидаги олис қишлоқ мактабига ишга юборишди. Қўли ишга, оғзи ошга етган чоғида эса юрт устини қора қуюн босди: даҳшатли уруш бошланди. Солиҳ Умаров уч ойлик ҳарбий курсда таълим олгач, фронтга жўнади. Тарихий ҳужжат шаҳодат беради:

«Суворов орденли махсус ўқчи бригадасининг 76-ўқчи дивизияси Улуғ Ватан уруши йилларида саккиз минг чақиримли оғир йўлни мардона босиб ўтди. Шундан икки минг километридан кўпроқ масофани қақшатқич жанглар билан эгаллади...».

Ана шу довюрак халоскорларнинг олдинги сафларида Солиҳ Умаров батареяси оғир тўпларни судраб ботқоқликлар, ўрмонзору чангалзорлар, тоғу тошлардан, дўзах оловларидан ўтиб, пиёда қўшинларимизга йўл очиб борди.

Лейтенант Умаров биринчи марта Смоленск яқинидаги Ельня шаҳрини душмандан озод қилиш учун бўлган жангда алоҳида ўрнак кўрсатди. Унинг взводи душман ротасини тор-мор этиб, иккита танкини ёндирди. Взвод командири «Жасорати учун» медали билан тақдирланди. Унга катта лейтенант унвони берилди. С. Умаров ўша оловли дамларда — отишмалар остида Коммунистик партия сафига қабул қилинди. 80-тўпчи полкининг 1-батареяси командири этиб тайинланди.

1944 йили Ковел шаҳри учун жангда батарея командири зўр тадбиркорлик кўрсатди. Тепалик бўйлаб поезд йўли ўтганди. Унинг пойи — пасту баланд бутазор қўйнида батарея тўплари яширин жой олганди. Олдинда катта тош йўли бўлиб, ундан душман ҳужуми кутилмоқда эди. Ғира-шира тонгда фашист самолётлари еру кўкни ларзага солиб бомба ташлай бошлади. Капитан Умаров тўпларини темир кўприк тагига зудлик билан кўчиришга буйруқ берди. Бу қалтис тадбир эди: бомбардимон чоғида кўприк ёни ёки дарахт остига жангчиларни жойлаштириш ҳарбий қоидага хилоф эди. Лекин капитан душман режасини «ақл тарозусида мушоҳада эта билди». Кўприк душман учун кераклигини фаҳмлади. Кўп ўтмай бутазорнинг кули кўкка соврилди. Чорак соат муқаддам тўплар турган жойлар катта-катта чуқур хандақларга айланди. Самолётлар овози ўчиб, бир неча дақиқа атрофга тинчлик чўкди. Кузатувчи йигитнинг ҳайқириғи эшитилди:

— Ўртоқ капитан! Катта йўлда душман «Тигр»лари....

«Лаънатиларнинг тумшуғига тўп ўқи ўтмайди. Уларнинг биқинини тешиш мумкин», — деб ўйлади капитан ва тўпларни тезда йўлнинг икки чеккасига олиб ўтди. Сўнгра буюрди:

— Сержант Турди Эсепов! Биринчи «Тигр»ни сен пачоқла, иккинчиси тўпчи Пеменскийга. Буйруқсиз ўт очилмасин.

Кўприк ёнидаги жангда душман ортга улоқтириб ташланди, унинг тўртта танки ёндирилди, бир неча машиналари тўнтарилди. 1-батарея командири Солиҳ Умаровнинг тадбиркорлиги ва шахсий жасорати таҳсинга лойиқ бўлди: уни фронт қўмондони Г. К. Жуков қизғин табриклаб, қўксига Ленин ордени тақиб қўйди.

Мардлик инсон қалбининг буюк фазилати. Қаҳрамоннинг таржимаи ҳолидан бир шингил:

«80-тўпчи полкининг мен бошқарган 1-батареяси жангчилари Смоленск, Орск, Могилев, Владов, Люблян, Варшава, Тарун, Витчан, Познан, Шендемюл, Бернау, Берлин шаҳарларини фашизмдан озод этиш учун бўлган жангларда қатнашдилар. Берлинни олишдаги ҳужумда иштироким учун эса менга юксак унвон берилди».

Апрелнинг охирлари эди. Берлин қамал қилингач, отишмалар маълум муддатга тўхтади. Фашистлар Германиясига шаҳарни жангсиз топширишни таклиф қилишди. Улардан рад жавоби олингач, совет қўшинлари тунда Берлинга ёриб кирди. Душман мустаҳкам мудофаа иншооти яратган эди. Кўп қаватли уйларнинг ҳар бир деразасига пулемёт, снайперчи, фауст гранатамёти қўйилган эди. Шаҳар кўчалари дўзахга айланганди. Тунгги соат иккида капитан С. Умаров батареяси жанговар топшириқ олди: зудлик билан шаҳардан чиқиб шарққа, сўнг шимолга юриб катта йўлни эгаллаш керак эди. Бунинг учун батарея 150 километр йўл юриши лозим эди. Тўрт соат ичида жанговар позицияни эгаллаш шарт. Машиналарда бензин оз қолганди, вақт етишмасди.

— Ортга қайтмаймиз, шаҳарни ўртасидан ёриб ўтамиз, — деди йигитларига командир.

— Ўртоқ капитан, шаҳар ўт ичида, — фикр билдирди биринчи тўп шофёри Коля Огорников.

— Бошқа чора йўқ, оғайни! Мен ёнингда ўтираман. Машинани тез ҳайдайсан. Айлана йўлга чиққач, шамол тегирмони ёнида тўхтаймиз.

Тўпчилар шинелларини яхшилаб ҳўллашиб, машиналарнинг бензин баки ва копотларини қалин ўрашди. Батарея ўт ичида олға ташланди. Тўпчиларимиз ўлимга мардона, тик бордилар. Солиҳ Умаровнинг ўша мислсиз жасорати ҳақида фронт газеталарида шундай таъриф битилганди:

«Капитан Умаров Улуғ Ватан уруши фронтларида баҳодирона жанглар қилди ва кўплаб медалу орденлар билан тақдирланди. Айниқса, у 1945 йилнинг 2 майида Берлин операциясида алоҳида жасорат кўрсатди. Умаров батареяси Вильгельмштадт Деберинц лагери бўйлаб ўтган катта йўлни эгаллаши ва душманни қамал халқасини ёриб ўтишига имкон бермаслиги зарур эди.

Батареяни зўр тадбиркорлик билан катта йўлга олиб чиққан Умаров тўплар ва бошқа қуролларни маҳорат билан ишга солди. 4 мингдан ортиқ аскарга эга бўлган душман гуруҳи тиш-тирноғигача қуролланган эди. У кун бўйи Умаров батареясига қарши ўн бир марта ҳужум қилди. Тўпчилар ҳар гал уларни ортга чекинишга мажбур этдилар. Шу куни ёвнинг 200 нафарга яқин аскарлари ва офицерлари ҳалок бўлди. Унинг иккита тўпи, тўртта бронетранспортёри, 6 та ўқдори ортилган машинаси яксон қилинди. Жангчиларимиз душманнинг 175 нафар аскари ва офицерини асир олдилар.

Ҳал қилувчи жангни маҳорат билан бошқаргани ва шахсан ўзи мардлик, жасорат кўрсатгани учун С. Ҳ. Умаров 1945 йилнинг 31 майида Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди».

Ҳаяжонли ўша учрашув онлари С. Умаровнинг ҳамон кўз ўнгида. Олий Бош қўмондон ўринбосари Георгий Константинович Жуковнинг кўнгли чоғ, ғалаба нашидасидан чеҳрасида шодлик, мамнунлик гулгун ўйнаб турарди. У Умаровнинг кўксига Олтин Юлдузни тақиб, уни бағрига босиб табриклади:

— Умаров — ўзбек! Ўзбекистон ўғлони, баракалла, — деди ва жиддий қиёфада сўради: — Қани айт-чи, қаҳрамон, тунда олов ичидаги Берлинни кесиб ўтиш фикри хаёлингга қандай келди?

— Вазият шуни талаб этди, ўртоқ Совет Иттифоқи Маршали...

...Замбараклар тилдан қолиб, ўқлар овози ўчса дунё шодликка тўлар экан. Солиҳ Умаров ғалаба муждаси қуёш нури янглиг оламга таралган чоғда ушбу ҳақиқатни дилида ҳам, тилида ҳам такрор-такрор айтди. Жангчилар, офицерлар бир-бирларини ғалаба билан, яхши кунларга омон-эсон етиб келганликлари билан қутлашиб, қучишиб, табриклашди. Қаҳрамон Умаровни қўлларида кўтаришиб, юзларча марта осмонга ирғитишди. Қувонч онлари, хайрлашув дақиқалари бошланди. Жангчилар киндик қонлари тўкилган она юртга йўл олдилар. Аммо капитан С. Умаровга уйга жавоб тегмади.

— Дунё қалқиб турибди. Яна уруш бўлмаслигига ким кафолат беради? Тажрибаларингизни ёшларга ўргатинг, —дейишди унга.

Капитан Умаров икки йил ҳарбий машқ мактабида ишлаб, ёшларга жанг санъати сирларини ўргатди. Кунлардан бирида Москвадан генерал-лейтенант Морозов бошлиқ катта гуруҳ офицерлар келишди. Улар бу ердаги ишларни элак-элак қилиб текширишди, ўқитувчи, мураббийларни синовдан ўтказишди. Навбат С. Умаровга келди:

— Маълумотингиз қанақа? — сўради генерал.

— Билим юртини битирганман. Асли касбим — ўқитувчи.

— Ҳарбий маълумотинг керак.

— Уч ойлик ҳарбий курсни битирганман.

— О, қаранг-а?! — деди у ҳарбий мактаб бошлиғига хўмрайиб. — Сиз кадрларимиз тақдирини кимларга топшириб қўйгансиз?

— Умаров тажрибали командир, — унга тушунтирди бошлиқ. — Қаҳрамон.

— Қаҳрамонмиш. Бу ерда қорасини кўрмай. Тез жўнатинг.

— Ўртоқ генерал-лейтенант, —унга мурожаат қилди Умаров. —Мен беш йил жангда бўлдим. Билим олишга имкон бўлмади. Имкон беринг ўқишга.

— Энди ўқиб, нима қилиб берардинг!

— Сиз мени таҳқирлаяпсиз. Устингиздан министрга арз қиламан.

— О, сен чиндан қаҳрамон экансан-ку! Арз қиларминш. Хўп, ўқи! Сени Ленинград ҳарбий академиясига юборамиз. Қани, кўрайлик...

Генерал-лейтенант ўз сўзида турди: С. Умаров ҳамкасабалари — икки лейтенант билан бирга Ленинградга жўнаб кетишди. Ҳарбий академияга ҳужжатларни топширишдан аввал ҳар бир йигит шифокорлар текширувидан ўтказилди. Кўз доктори қаҳрамонни узоқ гапга солди:

— Бошингиз жароҳатланганми?

— Йўқ. Бир гал бомба тупроғи тагида қолганман.

— Бошингиз зарб еган. Унинг асорати кўзда қолган. Кўзни даволатинг. Акс ҳолда кўр бўлиб қоласиз. Биз сизни ўқишга яроқсиз деб ҳисоблаймиз.

Солиҳ Ҳусанович ленинградлик докторнинг башоратини эслаб чуқур хўрсинди, папирос тутатди. Сўнг деди:

— Кўзимни даволатишга зарурат сезмадим. Ҳозир етмиш ёшдаман. Газета ва журналларни кўзойнаксиз бемалол ўқийман. Шукр, етмиш икки мучалим соппа-соғ...

Ё алҳазар! Бу нимаси? Аччиқ қисмат хандасими? Ёки аллакимлар ўйниними?! Мард эса азоб чекса ҳам нолимайди.

...1947 йил ёзинги бошида Солиҳ Умаров Ленинграддан Тошкентга қайтди. Унинг Сомон бозори ёнидаги киндик қони тўкилган, отамерос кичик ҳовли, гувалак девор уйини аллақачон аллакимлар эгаллаб олишганди. Йигит қариндош-уруғлари хонадонидан бошпана топди. Қаҳрамон умрининг учинчи лаҳзаси шу тариқа кўз очди. Аммо бу ҳақида сўз юритмоқдин аввал унинг тақдирига тўғаноқ бўлган яна бир қалтис ҳолатга назар солмоқ жоиз. Ғалаба йилининг кузида капитанга отпуска беришди. У ёру биродарлари билан кўришиш учун қадрдон шаҳрига келди.

Омон бўлсин меҳру оқибат! У кезлари юртда инсон қадр-қиммати юқори эди. Раҳбарларнинг назари уруш қаҳрамонларига тушди. Уларни суҳбатга таклиф этишди. Бу шонли учрашув норасмий тарзда, самимий бир вазиятда Қибрайдаги чорбоғда бўлиб ўтди. Ҳусайни, ҳасайни, буваки, чарос ғарқ пишган, олма, ноку нашватилардан бол томган чоғ, кўнгил хуши авж олган палла: соя-салқин дарахтлар тагида ҳофизлар қўшиқ айтишарди, майсалар устида раққосалар товусдек товланиб, хиром айлашарди. Раҳбарларнинг Каттакони эса қаҳрамонлар даврасида ўтириб (улар беш нафар эдилар) дилдан суҳбатлашарди.

— Хўш, энди нима иш берайлик? — сўради у новча йигитдан.

— Мен урушгача комсомолда ишлагандим. Мени партия ишига юборсангиз!

— Яхши, шундай иш оласан. Хўш, сен-чи?

Иккинчи йигит касби бинокор бўлгани учун қурувчилик соҳасини танлади. Яна бири колхозга раис бўлиш истагини билдирди. Ҳар ким ўзига — хон, ўзига — бек. Навбат Солиҳ Умаровга келди:

— Мен ҳарбийда ишлаяпман. Менга...

Каттакон унинг сўзини бўлди:

— Ҳарбийдамиш! Аршу аълода бўлсанг ҳам чақиртириб олиш қўлимдан келади. Лекин битта шартим бор. Етимликда катта бўлган экансан. Ҳов, рақс тушаётган паризодни кўраяпсанми? Қаддибасти ҳам сенга мос. Ўшанга уйланасан. Маъқулми?

Нотаниш фариштадан синашта шайтон яхши! Йигит қалби нидосига қулоқ солди ва ўша бахтли паллада раҳбарнинг «саховати»ни рад этди. Балки шунда аччиқ тақдир яна ханда қилгандир, балки пок қалбининг нидоси Ҳумой қуши қанотини қийгандир...

Улуғ Советлар Иттифоқининг Қаҳрамони, жафокаш ўзбек халқининг одил ва ҳақсўз фарзанди Солиҳ Умаров Тошкент олий партия мактабига ўқишга кирмоқ учун имтиҳон топширди. У барча фанлардан аъло баҳолар олиб, мактабга қабул қилинди. 28 август куни талабаларни қутламоқ учун олий партия мактабига раҳбарлар Каттакони ташриф буюрди. Икки юз ўн беш талаба сафга тизилишди. Вакил қўл олиб, уларни бирма-бир табриклай бошлади. Умаровнинг ёнига келганида эса унинг қовоғи осилди, жаҳл отига қамчи босилди:

— Бу ер сенинг жойинг эмас! — деди у.

Йигитнинг кўришмоққа чўзган қўли ҳавода муаллақ қолди. Тантана тугагач, мактаб бошлиғи С. Умаровни ўз ҳузурига чақирди:

— Ука, гапни эшитдинг. Менга раҳм қил, бола-чақам бор. Ҳужжатларингни ол, бу ердан. Бахтингни бошқа жойдан изла.

Қаҳрамон мактаб бошлиғига, унинг болачақасига раҳм қилди. Ўша куниёқ ҳужжатларини қайтариб олди.

Солиҳ Умаров эртаси куни ҳужжатларини Тошкент ҳуқуқшунослик институтига олиб келди. Дўндиққина рус аёли уни хушнудлик билан қабул қилиб олди:

— Қаҳрамон экансиз,—деди у қувониб — Сиз кабилар институтимизнинг фахри бўлишади.

Аёл йигитни адабиётдан ёзма имтиҳон бўлаётган хонагача кузатиб қўйди. Солиҳ ёзма имтиҳондан «яхши» баҳо олди. Навбатдаги имтиҳонни топширишга келганида дўндиққина аёл талабани хомуш ҳолда қаршилади:

— Сиз бошқа ерга имтиҳон топширган экансиз. Нега ҳужжатингизни қайтариб олдингиз?

— У ерда ўқишни истамадим.

— Ёлғон гапирманг. Бизни тинч қўйинг. Ҳужжатларингизни олиб кетинг! Жон ука, бизни қийнаманг...

Қаҳрамон уларнинг ҳам тинчлигини бузмади, қийнамади. Умиди йўқнинг имони йўқ. У 5 сентябрь куни ҳужжатларини ёнига солиб, иш излай бошлади. Йигит Октябрь район партия комитети котиби қабулига кирди.

— Ёш экансиз. Ўқишингиз керак, — деди котиб. — Иш десангиз жой кўп. Райкомга масалан, инструктор керак. Ҳужжатларни топширинг. Уч кундан сўнг, яъни жума куни шаҳар партия комитети бюроси тасдиғидан ўтасиз. Кейин бирга ишлаймиз...

Йигит райком котиби ҳузуридан хурсанд ҳолда чиқди.

Солиҳ Умаров жума куни шаҳар партия комитети бюроси мажлисига борди. У қабулхонада сабр-тоқат қилиб, икки соат ўтирди. Ичкаридан одамлар бирин-кетин чиқиб тарқалишди. Аммо уни мажлисга таклиф этишмади. Ниҳоят остонада биринчи котиб кўринди. Йигит унга дардини айтди. «Учинчига учрашинг» деган жавобни олгач, юқори қаватга кўтарилди. Йигит уни танирди: фронтда юрганида бир кун унинг мушкулини енгил қилганди, Қибрайдаги учрашувда эса бирга бўлганди. Шу боис Солиҳ Умаров унинг ҳузурига дадил кирди. У эса совуққина қаршилади:

— Ишинг чатоқ, — деди у «сен»лаб.— Раҳбар падар бўлади. Сен эса унинг айтганини қилмадинг. Униб-ўсишинг қийин.

— Яшашга ҳаққим борми? — алам билан сўради Солиҳ Умаров. — Қаерда яшай? Ҳеч бўлмаса уй беринглар.

— Уй оласан...

Куз ўтди. Қаҳратон қиш келди. Солиҳ Умаров шаҳар ташкилотларига мокидек қатнади. Раҳбарлар уй масаласини коптокдек биридан иккинчисига ошираверишди. Баҳор келди. Уй олишидан умидини узган йигит иморат қуриш учун жой беришларини илтимос қила бошлади. Хайрият, инсофли одам топилди. Унга Бўржик ёқасидан жой ажратиб беришди. Лекин йигит қувончи тезда сўнди: у ерга кетмон урганида сув чиқиб кетди. Зах жойга иморат қуриш амримаҳол эди. Солиҳ Умаров раҳбарлардан қўлини ювиб қўлтиғига урди. Лекин ҳаётда яхшилар кўп эди: тоғасининг ўртоғи Тожи ака қаҳрамоннинг сарсон-саргардон бўлганини кўргач, ўз боғи этагидан унга иморат қуриш учун ер ажратиб берди...

Кези келса кетмон чоп. Ёзнинг жазирама чилла кезлари эди. Кун тиккада олов сочарди. Солиҳ Умаров манглайини боғлаб, енгини шимариб, терлаб-пишиб ғишт қуймоқда эди. Йўл бошига машина келиб тўхтади. Ундан бири новча, бири пакана икки киши тушди. Новчаси сомон шляпасини ечиб, елпинди, атрофга аланглади.

— Ҳой, мардикор бола, бу ёққа кел! — чақирди у.

Солиҳ Умаров қўлларининг чангини қоқиб, улар ёнига борди:

— Умаров изига қайтди. Ариқда апил-тапил ювинди. Кўйлак-шимини кийиб, шляпаликлар ёнига келди.

— Э, омон бўлинг, — деди пакана шляпали. — Мен Умаровман демайсизми? Тез юринг, сизни обкомга чақиришаяпти.

— Соқолни қириб ташлай...

— Сартарошга йўл-йўлакай кириб чиқарсиз. Машинага ўтиринг!

Қаҳрамонни обком секретари А. И. Бродова очиқ чеҳра билан кутиб олди:

— Бир ҳафтадан бери сизни излаймиз,— деди Анна Ивановна гина қилиб. — Нима иш қилаяпсиз?

— Мардикорчилик.

— Ўзбекларда мақол бор: ётиб еганга тоғ чидамас. Ҳужжатингизни кўрсам, ойига икки тийиндан партия бадали тўлабсиз. Ленинграддан ҳарбий дўстларингиз сизни сўраб бир неча бор қўнғироқ қилишди. Маҳаллий саноатда аҳвол ёмон. Шу соҳани кўтариб беринг. Тўртинчи комбинатни сизга топширамиз...

— Яхши.

Солиҳ Ҳусанович Ўзбекистон маҳаллий саноат соҳасида қирқ йил фидойилик билан ҳалол меҳнат қилди. Элнинг йиртиғига ямоқ бўлди. У ҳозир пенсияда. Тош бўлса кемириб, сув келса симирган умрдоши, вафодор Шарипахон ая билан ширин ҳаёт кечирмоқда. Бир-биридан ўктам, танти ва меҳрибон беш фарзанди, 16 набиралари онаизору падарибузурукворлари ёнида кеча-кундуз парволаар. Ойнинг ўн беши қоронғу, ўн беши ёруғ деганлари шу-да. Ҳар кимнинг умри хайрли бўлсин.

Неъмат ЕҚУБОВ.

ШОИР ИНЪОМИ

ЭНГ ҚИСҚА ТАРЖИМАИ ҲОЛ

(Оқ шеър)

У аввал,
чигит бўлиб эмас,
Нуроний отахон қалбидаги
қутлуғ ният янглиғ,
миллион юракларнинг
қўрида,
деҳқон вужудида
Покиза туйғу каби
пайдо бўлди.

Уни МУҲАББАТ,
ЭЪТИҚОД
ва яна бошқа
покдомон туйғуларга ўраб
кафтларига олдилар.
Замин ҳаяжонда,
энтикар деҳқон.
Ўғил кутаётган
келинчак каби
умидини амал қилиб,
Чигитни
замин қатига қўйдилар.
...Олам яшил бўлиб кетди.
Кейин,
пахтазорга
покиза МЕҲНАТ,
оппоқ ЖАСОРАТ,
бокира ҲИММАТ
сингиб кетди.
Ва кўп ўтмай
далаларни
оппоқ туйғулар ўраб олди.
Чаноқлар
ўғил кўрган келинчак
сингари
жилмайдилар...
Ҳайҳот!
қувончимиз — нолон,
сўзларимиз — ёлғон,
меҳнатимиз — ғаним
бўлиб чиқди!

Кимлардир уларни
сотдилар,
виждонини,
имонини сотдилар.
Кимлар деб, нелар деб
номлар олмадик...
Бағри дарё халқ
эканмиз-да!
Ҳеч ким —
миллатини сотган
шуҳратпараст ҳам,
Мооковдан жар солган
«Шерлок Холмс» ҳам
қора чаплай олмас
пахтамизнинг
Оппоқ юзига!
Чунки ғазабнок деҳқон
келаётир ўзига.
Не-не даҳоларнинг ҳам
қараётир кўзига!
Деҳқон эса
даласининг сеҳридан
сармаст.
Олам сармаст бундай
лаҳзада,
Сармастдир далага чиққан
ҳар кимса!
Фақат
тўкин дастурхондан эмас,
ёвғон шўрвалардан,
заъфарон юзлардан,
умидсиз кўзлардан
ҳайрон ва лолдир!
У эса снёсатини ҳам,
сафсатасини ҳам,
талабини ҳам
бир чеккага қўйиб,
белини боғлади,
кўнглини чоғлади
ва,
ниҳоят,
қишлоқнинг қоқ ўртасида
буюк умидларнинг
тимсоли —
ХИРМОН чошлади!

БЎЗТЎРҒАЙ

Мовий осмон бағрида
Қанот қоққан бўзтўрғай,
Хаёлларим йироққа
Олиб қочган бўзтўрғай,
Учишингдан не маъно,
Бунча шошасан қаён?
Қанча кетма олислаб
Бағрим сенга ошнён.
Осмон-ку билмас сарҳад,
Бағримга сиғар осмон.
Бўзладингми ва ёки
Юракдан тошар туғён?
Юракдан тошса туғён
Тўрғайгинам, бўзлагин.
Фақат элни алдама,
Фақат ростин сўзлагин.
Ёлғончи кимсаларга
Бу дунё ҳам ёлғон, бил,
Безабон қолсанг ҳамки,
Алдоқчилик қилмагил.
Осмондаги бўзтўрғай,
Бўзламасанг бўлмагай.
Фақат оху нолангни
Дили борлар тушунгай.
Тугали йўқ дунёнинг,
Ҳар тақдирнинг бири кам.
Хайриятки, яхшилар
Тушунгайлар сени ҳам...
Осмондаги бўзтўрғай,
Қанотинг қоқиб толма.
Тақдиримга ҳабиб бўл,
Узоққа кетиб қолма.

КЎПКАРИ

Солимга бир улоқ сўйдилар,
Отлиқлар чиқдилар илгари.
Ўртага соврин ҳам қўйилди —
Кўпкари эмиш бу, кўпкари.
Теграда оломон шашқатор,
Майдондан узмайди кўзини.
Тулпори бўлсайди, эҳ, агар,
Курашга урсайди ўзини.

Солимни тортдилар талашиб,
Ўзларин ҳар ёнга урдилар.
Оқибат не бўлур билмадим,
Солимлар камайса бу қадар?
Юраклар ҳовури босилмас,
Босилмас майдонда чанг-тўзон.
Ҳеч бири ғолибга тан бермас,
Тан бермас ғолибга оломон.
Кўпкари ҳаётга ўхшайди,
Мардларнинг ишидир кўпкари.
Совринсиз қолмасин яхшилар
Ва бўлсин ҳар кимнинг тулпори...

МАНЗАРА

Замин сийнасига шукуҳ улашиб,
Оппоқ ният билан оқаради тонг.
Меҳнат сурурига кўнгилни чоғлаб,
Қадрдон далага йўл олар деҳқон.
Яшил кенгликларда мавжланар туйғу,
Бир ажиб латофат
қишлоқ тонги бу —
Ҳаёт бонги бу!
Ташвишлари тугамайди дунёнинг...
Эр дейди:
— Болага қараб ке, Жанғил. —
Ва яна пуштага урар кетмонни,
Бир пас тин олишга эрк бермас
кўнгил.
Меҳнат —
тақдирида муқаддас инжу,
Изоҳсиз фалсафа —
қишлоқ онги бу,
Ҳаёт жанги бу!
Хуштаъм бўй таралур ҳовли
устидан,
Келинчак тандирга ёпмоқдадир нон.
Қайнини чопқиллаб киради шу дам:
— Янга, кутиб олинг, келмоқда
меҳмон!

Қалбида нон каби табаррук туйғу,
Ризқи-рўз,
эзгуликли қишлоқ нони бу —
Ҳаёт номи бу!
Кўзгу қаршисида соч тарайди қиз,
— Тавба, онам не дер, ўзим
борсамми?
Айтган жойлари ҳам адирда — олис
Ёки сингилчамни бирга олсамми?
Йигит кўзларида чақнайди орзу,
Умрга татғирлик
қишлоқ они бу —
Ҳаёт қони бу!
Кенжатой ҳовлиқиб киради уйга:
— Ота, кўчқор яна узди ипини!
— Ҳа, майли, яйрасин, аталган
тўйга...
Ҳовлини қоплайди ўчоқ тутуни,
Оила жамулжам, лабларда кулгу,
Сўнгги йўқ бир эртак
қишлоқ шоми бу —
Тонг давоми бу!

Фармон ТОШЕВ.

Кўҳна масканлар

ҒАЛАТИ ТЕПА

— Чўлда сувсиз қолсанг саробга учма, болам. У субутсиз одамлар сингари алдамчи. Сароб ўтмишда кўпларни ҳалок қилган, илоё у кунлар қайтмасин...

(Қариялар насиҳатидан).

— Ҳой, одам ҳам шунчалик овсар бўладими, тагин сувни захкашга тушириб қўйибсан. Шу сувни олгунимча неча кишининг олдидан ўтганимни биласанми? — жиғибийрони чиқарди бригадирнинг.

— Кечирасиз ака, салгина кўзим илинибди, — жавоб излайди ёшгина сувчи йигит.

Қайсидир эгатга таралиб, гармселда қовжираган ғўзани яшнатиши керак бўлган об-ҳаётнинг беҳуда оқаётганини кузатар эканман, болалик йилларим қулоғимга чалинган бир воқеани эслайман...

Қишлоғимизда ҳеч ким Ойширин момони биз, болаларча хушламаса керак. Унинг «ҳой қулоқсизлар, ундай қилма, бундай қил» деган таъна-дашномлари ҳам мойдек ёқарди. Ёши етмишларни қоралаб қолган момонинг фарзанди йўқ, ёлғиз овунчи ҳам, севинчи ҳам биз эдик. Ҳар куни кўнгқўшнида қанча «чурвақа» бўлса ҳаммасини онахон ўзи уютган серқаймоқ қатиқ билан сийларди. Кўпчилигимиз уйга ўт юлиб келишдан қочсак-да, момонинг ёлғиз сигири оч қолишига йўл қўймасдик.

Баҳор келди. Ойширин момо бошимизни бириктириб, қишлоқдаги қўй-эчкиларни сурув қилар, эрта тонг уларни яйловга ҳайдаб, қош қорайганда қишлоққа энардик. Момо бизни зериктирмас, гоҳ қизиқ-қизиқ чўпчаклар айтиб берсалар, гоҳ қўлимизга чиллак чўпини ушлатиб, ўйнинимизни томоша қиларди. У киши бизнинг «ҳаками»миз эди. Гурунгга, чилакка чалғиб кеч бўлганини сезмай қолардик. Ҳалигача эсимда, момонинг эртаклари сабаб қўшнимизнинг икки ўғли уч эчкисини икковлашиб боқишарди.

Қишлоғимиз атрофида ўнлаб паст-баланд тепаликлар бўларди. Улардан бирининг номи бизларни ҳам қизиқтирар, ҳам қўрқувга соларди: Қизўлди тепа.

— Момо айтиб бера қолинг, нега «Қизўлди тепа», — чувиллаб ўртага оламиз Ойширин момони.

— Бу воқеа мен сизлардек вақтимда содир бўлган...

У киши ҳикоясини бошлайди, бизнинг бутун вужудимиз қулоққа айланади.

— 30-йиллар Помуқдан 3—4 чақирим масофадаги Патдо сардобаси яқинида уч уй бўларди. Чўпонлар тўл мавсумида сурувни шу ерга ҳайдаб келишар, қишлоқ аёллари қўзиси қоракўл тери учун сўйилган қўйларни соғишарди. Қайтишда уйларига сардобадан сув олишарди. Оналаримиз қўй сутидан тайёрлаган пишлоқ бизларга мойдек ёқарди.

Бир куни онасига эргашиб келган 12—13 ёшлардаги қизалоқ ўзича Патдодан сув ичишга борибди. Чўлнинг жазирамаси жони борнинг силласини қуритгани. Кечга томон унинг йўқолгани сезилиб қолди. Чақириб кўришди бўлмади, катталар «қишлоққа кетгандир» деган хулосага келишди. Эртасига сурувни сардобадан суғоришга келаётган чўпон тепалик устида қизнинг жасадини кўрибди. Уни ўша ерга дафн этишди. Шу-шу Қизўлди тепа номи қолди...

Бу қайғули ҳикояни эшитганимга йигирма йилдан ошди. Орада чўлга сув келди. Қарши чўлидан гул ҳиди келади. Илгари ёввойи ҳайвонлар, ўт-ўланлар макони бўлган тепаликлар текисланиб экин майдонига айлантирилди. Ўтмишдан ёғор бўлиб қолган жойларнинг номи қолди. Баҳористон тумани-дан чўл ичи билан Бухоро вилоятига ўтадиган йўл бўйида ҳам Қизўлди номли тепа қир бор. У саҳро бағрида сувсизликдан ҳалок бўлган қизчага ёдгорликдек қад ростлаб турибди.

А. АБДИЕВ.

Булунғур райони маркази — Красногвардейскда мактаб болалар пойабзали тайёрлайдиган янги фабрика ишга тушди. Ҳозир бу корхона ишчилари кунига савдо шохобчаларига 400—450 жуфт маҳсулот етказиб бераётирлар. Фабрика тўла ишга тушгач 3—3,5 минг жуфт пойабзал ишлаб чиқаришга эришиладн. Шунда корхонада йилига бир миллион 200 минг жуфт пойабзал тайёрланади.

СУРАТДА: фабриканинг ишлаб чиқариш бўлинмаларидан бирида.

Т. ДАВЛАТОВ олган сурат.

БАЙНАЛМИЛАЛЧИ ХОТИРАСИГА

Пахтачи районидаги «Пахтакор» жамоа хўжалигининг Султонобод қишлоғида Афғонистонда қарбий хизматни ўташ чоғида ҳалок бўлган байналмилалчи жангчилар хотирасига ёдгорлик қад кўтарди. Унинг очилишига бағишланган маросимда иштирок этган район раҳбарлари, уруш ва меҳнат фахрийлари мард йигитларни ёдга олдилар. Сўнгра оқ чойшаб туширилиб, ёдгорлик пойига гулчамбарлар қўйилди.

САВДО МАРКАЗИ

Пахтачида маданий-маиший, савдо, умумий овқатланиш бинолари қурилишига алоҳида эътибор берилмоқда. Яқинда учта хўжаликда отахонлар чойхоналари фойдаланишга топширилди. «Коммунизм» жамоа хўжалигининг Жарбоши қишлоғида эса савдо маркази иш бошлади.

Б. ШАМСИЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Узбекистон ССР Олий ва ўрта таълим вазирлиги

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНЛИ ЙЎЛДОШ ОХУНБОБОЕВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ

1991 йил 11 май соат 14.00 да

ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИНИ ЎТКАЗАДИ

ДАСТУРДА: олий билимгоҳ ректори, куллиётлар деканлари, кафедралар мудирлари, ўқитувчилар ва олий билимгоҳни битирганлар билан учрашувлар, мутахассисликлар ҳақида суҳбатлар, ўқув биноларига, лаборатория ва кафедраларга экскурсиялар, ҳисоблаш маркази, асосий кутубхона, талабалар конструкторлик бюроси. Модалар уйи билан таништирилади.

ТАДБИРЛАР ОЛИЙ БИЛИМГОҲ МАЖЛИСЛАР ЗАЛИДА СОАТ 14 ДА БОШЛАНАДИ.

УЧРАШУВГА ўрта мактабларни, ўрта махсус таълим ва ҳунар-техника билим юртларини битирганлар, ёш ишчилар, колхозчилар ҳамда ҳарбий хизматни ўтаб қайтган жангчилар таклиф қилинади.

ХУШ КЕЛИБСИЗ!

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Горбунов кўчаси, 5-уй (4, 7, 9, 28-трамвайлар; 2, 6, 13, 16-троллейбуслар; 2, 3, 45, 50, 54-автобусларнинг «Социалистик шаҳарча» бекати. 11-троллейбус; 77, 32, 173-автобусларнинг «Тўқимачилик олий билимгоҳи» бекати).

Қутлов

ҚОСОНСОЙ РАЙОНИДАГИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ТЕХНИКАСИНИ ТАЪМИРЛАШ ҚОРХОНАСИ БЎЛИНМА БОШЛИҒИ АБДУЛЛАЖОН СОТТИЕВНИ ФАРЗАНДЛАРИ ҚУТЛУҒ ЯРИМ АСРЛИК ЁШЛАРИ БИЛАН МУБОРАКБОД ЭТАДИЛАР. УЛАР ПАДАРИ БУЗРУКВОРЛАРИГА УЗОҚ УМР, СИҲАТ-САЛОМАТЛИК ВА БАРДАМЛИК ТИЛАЙДИЛАР.

Узбекистон ССР Халқ таълими вазирлиги
Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси

12-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1991—1992 ўқув йили учун

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ФЕРМЕР-ЧОРВАДОР (чорва молларига ветеринар ишлов бериш оператори, электромонтёр, кенг ихтисосли тракторчи-машинист, «В» ва «С» тоифали автомобиль ҳайдовчиси ва чорва фермаси механизатори мутахассисликлари берилади) — **ўқиш муддати 2—3,5 йил.**

ФЕРМЕР-АСАЛАРИЧИ (асаларичи, электромонтёр, кенг ихтисосли тракторчи-машинист, «В» ва «С» тоифали автомобиль ҳайдовчиси ва дурадгор мутахассисликлари берилади) — **ўқиш муддати 2—3,5 йил.**

ФЕРМЕР-ЎСИМЛИКШУНОС (мева-сабзавотчилик устаси, электромонтёр, кенг ихтисосли тракторчи-машинист, «В» ва «С» тоифали автомобиль ҳайдовчиси, трактор ва автомобилларни тузатувчи чилангар мутахассисликлари берилади) — **ўқиш муддати 2—3,5 йил.**

КЕНГ ИХТИСОСЛИ ТРАКТОРЧИ-МАШИНИСТ (кенг ихтисосли тракторчи-машинист, «С» тоифали автомобиль ҳайдовчиси, трактор ва автомобилларни тузатувчи чилангар мутахассисликлари берилади) — **ўқиш муддати — 3 йил.**

АСАЛАРИЧИ — **ўқиш муддати 1 йил.**
ЧОРВА МОЛЛАРИГА ВЕТЕРИНАР ИШЛОВ БЕРИШ ОПЕРАТОРИ — **ўқиш муддати 1—3 йил.**

ҲУЖЖАТЛАР 14 АВГУСТГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқувчилар 19 августдан бошлаб биологиядан имтиҳон топширадилар ва касб йўналиши бўйича суҳбатдан ўтадилар.

БИЛИМ ЮРТИГА 9, 11-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛГАН ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

3—3,5 йиллик ўқишни тугатганларга ўрта маълумот, ҳақида ҳужжат билан мутахассислиги тўғрисида диплом берилади. 2 йиллик фермер гуруҳларига Совет Армияси safidan қайтган йигитлар қабул қилинадилар.

Фермер гуруҳлари ўқувчиларига босқичма-босқич текширув натижаларига кўра ҳар курсдан сўнг мутахассислик бериб борилади.

Ўқувчилар кунига 3 маҳал бепул овқат, кийимбош, стипендия ва ишлаб чиқариш практикаси давридаги меҳнат ҳақининг 50 фоизи билан таъминланадилар.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар олий ва ўрта махсус ўқув юртларига имтиёзли равишда қабул қилинадилар.

Фермер гуруҳларининг ишлаб чиқариш практикаси Ватанимизнинг фермер хўжаликларида ва хорижий мамлакатларда ўтказилади.

Ўқиш муддати иш стажига киради.

Билим юрти замонавий бинога жойлашган, бадиий ҳаваскорлик тўгараги ва спорт секциялари ишлайди.

Билим юрти директори номига ёзилган аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: туғилганлиги ҳақида гувоҳнома ёки паспорт (асли), маълумоти ҳақидаги гувоҳнома (асли), турар жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, 6 дона фотосурат 3х4 см, 086/У формадаги медицина справкаси.

МАШҒУЛОТЛАР 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ ВА ФАҚАТ ЎЗБЕК ТИЛИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.
ҲУЖЖАТЛАР СОАТ 8.00 ДАН 16.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юрти манзилгоҳи: Тошкент вилояти, Оржоникидзе ноҳияси, Геофизика қўрғончаси, М. Горький метроси — Тузель автобусининг «Геофизика» бекати (21, 63, 73, 112-шаҳар автобусларининг охирги 1-«Қорасув» даҳали» бекати), телефон 64-31-34.

Қашқадарё сув хўжалик бошқармасига қарашли ишлаб чиқариш технологик таъминоти бошқармаси томонидан **Қўйли Ҳайдаров** номига берилган йўқолган 456-ИШОНЧНОМА **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

• Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт

Шарқона беллашув — таэквандо билан шуғулланувчилар сони республикамизда тобора кўпайиб бораётир. Айни пайтда Навоий шаҳрида 1.000 нафарга яқин киши мазкур спорт тури бўйича ўз маҳоратини оширмоқда. Уларга махсус тайёргарликдан ўтган тажрибали устозлар мураббийлик қилишаётир.

СУРАТДА: Навоийдаги спорт масканларидан бирида ўтказилаётган машғулотдан лавҳа.

Ф. ҚУРБОНБОЕВ ва В. МИЛЕНЬКИЙ олган сурат. (ЎзТАГ).

ХОККЕЙ

Финляндияда ўтказилаётган жаҳон ва Европа биринчилигининг дастлабки босқич мусобақалари ниҳоясига етди. Унда мамлакатимиз терма жамоаси ҳужумкор ўйинлар намойиш этиб, мухлислар эътиборини қозонди. Вакилларимизнинг Европа чемпиони унвонини қўлга киритишлари учун Швеция терма командаси билан дуранг натижа ҳам қаноатлантирарди. Учрашув совет спортчиларининг ҳужуми билан бошланди. Улар иккинчи бўлим бошларида 3:0 ҳисобида олдинга ўтдилар. Кейинчалик майдонда деярли тенг кураш борди. Швецияликлар мағлубиятдан қутилиш учун бор маҳоратларини ишга солдилар. Қизиқарли ўтган учрашув жанговар дуранг (5:5) билан якунланди.

Шундай қилиб, СССР терма жамоаси Европа чемпиони бўлди. Швецияликлар иккинчи, финляндияликлар учинчи ўринни эгалладилар.

Эндиликда тўрт жамоа — СССР, Канада, Швеция ва Америка хоккейчилари ўртасида жаҳон биринчилиги учун кураш бошланади.

ФУТБОЛ

Мамлакат биринчилигининг олий гуруҳида навбатдаги учрашувлар бўлиб ўтди. Бу турда ҳам «Пахтакор»нинг омади келмади. Футболчиларимиз Минскда маҳаллий «Динамо» жамоаси билан бўлган ўйинда 1:2 ҳисобида имкониятни бой бердилар.

«Днепр» клуби Владикавказнинг «Спартак» жамоасини қабул қилди. Ўйин 1:1 ҳисобида якунланди. «Металлист» (Харьков) — «Помир» (Душанба) учрашувида дарвозалар дахлсиз қолиб, рақиблар очкони бўлишиб олдилар.

«Черноморец» ўз мухлисларини хушнуд этди. Запорожьенинг «Металлург» командасини қабул қилган одессалик футболчилар йирик ҳисобда (3:0) ғалаба қозондилар.

Бошқа учрашувлар натижаси: «Локомотив» (Москва) — «Динамо» (Киев) — 1:2, «Торпедо» (Москва) — «Динамо (Москва) — 0:2.

«Пахтакор» навбатдаги учрашувни 2 майда Москвада «Динамо» жамоаси билан ўтказади.

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА

Тошкентда енгил атлетиканинг улоқтириш турлари бўйича жумҳурият мусобақаси бўлиб ўтди. Унда 96 нафар спортчи ғолиблик учун баҳс юритди. СССР халқлари спартакиадаси олдидан муҳим кўрик вазифасини ўтаган баҳсларда яхши натижалар қайд этилди.

Ядро ирғитишда тошкентлик Людмила Лисовская ўзини кўрсатди. У 16 метр 20 сантиметр натижа билан ҳурмат шоҳсупасининг юқори поғонасига кўтарилди.

Босқон улоқтиришда В. Хожиматов (65 метр 80 сантиметр) зафар қучди, йигитлар ўртасида ядро ирғитишда Сергей Котга тенг келадиган рақиблар топилмади. Шунингдек, А. Тюрин, О. Веретельников, Е. Свежинцовалар ҳам ғолиблар сафидан жой олдилар.

КУРАШ

Денов районидаги С. Раҳимов номли жамоа хўжалигида Усмон полвон Саидов хотирасига бағишланган анъанавий мусобақа бўлиб ўтди. Беллашувда ўз вазнлари бўйича З. Саидов, А. Ҳакимов, И. Йўлдошев, А. Норқуловлар чиройли кураш усулларини қўллаб мухлислар эътиборини қозонди. Ғолиблар эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

ТЕННИС

Монте-Карлода халқаро мусобақа давом этмоқда. Унда иштирок этаётган москвалик Андрей Чернаков чорак финалда германиялик Борис Беккер билан учрашиб, 1:6, 3:6 ҳисобида мағлубиятга учради.

Муҳаррир Н. ЕҚУБОВ.

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ»
(«Сельская правда»)
Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана
Выходит на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Муҳаррир ўринбосарлари —33-44-43, 32-56-21, 33-16-27, 32-54-41, Масъул котиб — 33-09-93, 32-56-26. Масъул котиб ўринбосарлари — 32-56-25, 32-54-48, 32-54-47. Партия турмуши бўлими— 33-54-33, 32-56-22. Совет қурилиши бўлими —32-56-34. Деҳқончилик бўлими — 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими —32-56-33. Қишлоқ қурилиши бўлими —32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 33-54-33. 32-56-36, Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46, 32-56-39. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-54-52. Безатиш бўлими—32-58-79. Эълонлар бўлими — 33-81-42.

БУЮРТМА № 5212 ИНДЕКС 64602. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12